



# ULUSLARARASI 21. YÜZYILDA TÜRK DÜNYASINDA DİL EDEBİYAT KÜLTÜR SEMPOZYUMU

(INTERNATIONAL SYMPOSIUM ON LANGUAGE, LITERATURE AND  
CULTURE IN THE TURKIC WORLD IN THE 21st CENTURY)

04-05 Aralık 2021 | Çevrimiçi-10.30

04-05 December 2021 | Online-10.30

Sempozyum Teori dergisinin Youtube kanalından canlı yayınlandı.

Bağlantı Adresi: <https://www.youtube.com/c/TeoriDergisi>  
<https://www.youtube.com/channel/UCip0eFXD2DK4jASvL3COGHQ>

**13.00 -14.00**

## **ÖĞLE YEMEĞİ ARASI**

**14.00 – 15.00**

### **Türk Dünyasında Birbirini Algılama- İmge Cengiz Aytmatov Oturumu**

**Oturum Başkanı**  
**Prof. Dr. Zilola Khudaybergenova**

**Prof. Dr. Ayder Memetov & Öğrt. Üyesi Edibe Mecitova**  
*Kırım'da Karaylar*  
Vernadsky Kırım Federal Üniversitesi, Kırım – Rusya Federasyonu

**Doç. Dr. Mahliyo Umarova**

*Fitrat Dramaturjide Tarihi İnsanların İmajlarının Yorumlanması*  
Özbekistan Dünya Dilleri Devlet Üniversitesi, Özbekistan

**Ar. Gör. Şefika Abduramanova**

*A.S. Puşkin'in Kırım İzlenimleri Doğu Felsefesi Işığında*  
Kırım Cumhuriyeti Devlet Bütçe Kurumu “Kırım Tatar Kültür ve  
Tarihi Miras Müzesi”, Kırım – Rusya Federasyonu

**Gözen Esmer - Lisans Öğrencisi**

*Batı Asya'da Kültürel Etkileşim Örneği: Bahçesaray Çeşmesi*  
Ankara Üniversitesi, Türkiye

**15.00 – 16.00**

### **Türk Dünyasında Edebiyat Harid Fedai Oturumu**

**Oturum Başkanı**  
**İsmail Bozkurt**

**Doç. Dr. Mehriban Asadullasoy (Quliyeva)**  
*XIX. Yüzyıl Nahçıvan Edebi Çevre Temsilcilerinin Dil ve Üslup  
Özellikleri*  
Nahçıvan Devlet Üniversitesi, Azerbaycan

**Dr. Öğrt. Üyesi İsmail Abalı**

*Halk Anlatılarında Epik Yasalar ve Beyrek Boyunun Trabzon  
Eşmetni Basi Böyrek Hikâyesi*  
Iğdır Üniversitesi, Türkiye

**As. Prof. Dr. Abdullah Ulugov**

*Hayriddin Sultanov'un Masalları*  
Ali Şir Nevai Taşkent Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi,  
Özbekistan

**CUMARTESİ**  
**15.00 – 16.00**

**Türk Dünyasında Edebiyat**  
**Harid Fedai Oturumu**

**Oturum Başkanı**  
**İsmail Bozkurt**

**Doç. Dr. Mehriban Asadullasoy (Quliyeva)**

*Dokuzuncu Yüzyıl Nahçıvan Edebi Çevre Temsilcilerinin Dil ve Üslup  
Özellikleri*

Nahçıvan Devlet Üniversitesi, Azerbaycan

**Dr. Öğrt. Üyesi İsmail Abalı**

*Halk Anlatılarında Epik Yasalar ve Beyrek Boyunun Trabzon Eşmetni  
Bası Böyrek Hikâyesi*  
Iğdır Üniversitesi, Türkiye

**As. Prof. Dr. Abdullah Ulugov**

*Hayriddin Sultanov'un Masalları*

Ali Şir Nevai Taşkent Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi,  
Özbekistan

**Saydalieva Muhlisakhon - Doktorant**

*Özbek Romanında Emsal İsimlerin Kullanımı*

Özbekistan Cumhuriyeti İlimler Akademisi Özbek Dili, Edebiyatı ve  
Folklor Enstitüsü, Özbekistan

**As. Prof. Dr. Abdullah Ulugov**

*Hayriddin Sultanov'un Masallari*

Ali Sir Nevai Taşkent Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi, Özbekistan

**Абдулла УЛУГОВ**

*Алишер Навоий номидаги Тошкент*

*давлат ўзбек тили ва адабиёти*

*университети профессори, филология*

*фанлари номзоди*

e-mail:

[ulugovabdulla05121960@gmail.com](mailto:ulugovabdulla05121960@gmail.com)

(Ўзбекистон)

### **Хайриддин Султонов қиссалари**

**Аннотация:** Хайриддин Султонов 1956 йилда Тошкент вилояти Қиброй туманидаги Тузел қишлоғида туғилган. Паркент қишлоғидаги ўрта мактабда ўқиган. Тошкент Давлат Университети журналистика факультетида таҳсил олган. «Гулистон», «Ёшлик» журналларида, Fafur Fulom номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси. Мақолада Ўзбек адабиётининг забардаст намоёндаси Хайриддин Султоновнинг ҳаёти ва ижоди туркий адабиёт дунёсига таниллади, хусусан, ёзувчининг қиссалари таҳлилга тортилади.

**Калит сўзлар:** Хайриддин Султонов, Бобур, қисса, тарихий мавзу, замонавий ҳаёт, тарихий шахс образи, реалистик тасвир, лирик ифода, сюжет, характер, ички кечинма, таъсирчан ечим.

Хайриддин Султонов асарлари замонавий ўзбек адабиётида алоҳида ўрин тутади. Адабнинг «Бобурийнома», «Бобурнинг тушлари», «Умр эса ўтмоқда», «Онамнинг юрти», «Бир оқшом эртаги» каби китобларидағи ҳикоя, қисса, эсселари ўқувчиilar эътиборини қозонган. Адабиётшунос Умарали Норматов ёзувчи Хайриддин Султонов ижоди ҳақида мулоҳаза юритар экан: «Дунёнинг сири», «Ғуломгардиш», «Қоғоз гуллар», «Саодат соҳили», «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», «Кўнгил озодадур...» каби қисса, ҳикоялари; «Андиша», «Шоирона, дарвешона бир маъно», «Бобурнинг тушлари» сингари бадеалари

ўтган аср охирги чораги миллий адабиётимиз тараққиётида муносиб ўрин эгаллайди. Бу асарлар шахс жумбоғи, инсон рухиятидаги сирли-сехрли хусусият, ҳолатларни алоҳида бир назокат билан теран англаш ҳамда нафосат туйғусига йўғрилган ҳолда ифода этиш санъати билан миллий насримизда ўзига хос ҳодисага айланди» дейди<sup>111</sup>.

Хайриддин Султонов 1956 йилда Тошкент вилояти Қиброй туманидаги Тузел қишлоғида туғилган. Паркент қишлоғидаги ўрта мактабда ўқиган. Тошкент Давлат Университети журналистика факультетидаги таҳсил олган. «Гулистон», «Ёшлик» журналларида, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси.

Адабнинг ilk ҳикоялари талабалик йилларида матбуотда босилиб чиқсан. «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинган «Миркарим чол» ҳикоясини ёзувчи ўзининг матбуотда эълон қилинган биринчи асари ҳисоблайди.

Ёзувчининг қисса, ҳикояларида қаламга олинган воқеалар ҳаётдаги ҳодисаларга ўхшайди. Улардаги қаҳрамонлар худди ҳаётдаги одамлар каби кўринади. Бу қаҳрамонларнинг ўй-кечинмалари, дард-ташвишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Хайриддин Султонов асарларида ҳаётдаги оддий ҳодисалар қаламга олинади. Кишиларнинг кундалик ҳаёти, ташвиши, интилишлари, ўзаро муносабатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ёзувчи қисса, ҳикоялари учун асосан оддий одамларни қаҳрамон қилиб олади. Уларнинг руҳий кечинмаларини ишонарли ва таъсирчан гавдалантиради. «Чоллар палатаси» ҳикоясида куз манзарасини ёзувчи бундай тасвирлайди: «Ёнбош қишлоққа куз эрта тушди. Кечаги яшиллигидан айрилган заъфарон барглар мунгли шивирлаб, сўнгиз ҳасратини ифода қилмоқчидай қўнимсиз тентирайди. Аччиқ изғирин аллақаердан қор шарпасини ҳайдаб келди, ғофил кимсаларни қиличини қўтариб қиши келаётганидан огоҳ этган каби бирдан қора совуқ тушди. Одамлар ўтин-кўмир, иссиқ кийим илинжида югуриб қолишли, алланечук ювош тортган нозик-ниҳол кишиларнинг ташвиши кучайди: серёғин, намчил ҳаво кўп дардларни янгилаб юборди»<sup>112</sup>.

Ёзувчи қаҳрамонлари ҳаракат-ҳолатини уларни куршаб турган табиатдаги ўзгаришлар билан боғлик ҳолда тасвирлайди. «Номус» ҳикоясидаги мана бундай ўринлар эътиборни тортади: «Кун пешиндан оққан, қуёшнинг забти пасайган эди. Туя ўркачига ўхшаш суйри адирлар этагига тўшалган соялар тобора узая бошлади. Чол ҳамон сургалиб юрар, сочилган ўтларни сабр-тоқат билан бир жойга йигар, боғлар ва ўзини, худди шу ишларни қилмаса, қолган беш кунлик умрида муҳим бир нарса

<sup>111</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2006 йил 20 январ.

<sup>112</sup> Султонов Х. Бир оқшом эртаги. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 38 бет.

етишмайдигандек хис қилар эди. Қош қорайиб, ҳорғин қуёш уфқнинг бағрини доғлаганча бепаён замину бўйсунмас одамларга маюс термулганча кўйи ботиб бораркан, тишлари маҳкам қисилган, ўзи сингари қадимий даласида ҳануз куйманиб юрган жонсарак бир чолга қараб бош чайқади»<sup>113</sup>.

Хайридин Султонов ҳикояларида қисқа вақт оралиғида рўй берган воқеа-ҳодисаларни шу тарзда жонли гавдалантиради. Қиссаларида эса ҳикояларидағига нисбатан кенгроқ воқеаларни, бир неча қаҳрамон ўртасидаги муносабатлар мураккаблигини ишонарли кўрсатади.

Ёзувчининг шу пайтгача ўнлаб ажойиб ҳикоялари ва «Саодат соҳили», «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», «Кўнгил озодадур...» қиссалари эълон қилинди. Ушбу қиссалар ҳам қаҳрамонлар характерини, руҳий кечинмаларини нозик тасвир этиб кўрсатиши билан дикқатини тортади.

Инсоният тарихида Бобур сингари қисмати мураккаб улуғ шахслар жуда кўп эмас. Бобур улуғ шоҳ ва нозик дидли шоирдир. У салтанат барпо этган. Фан, маданият, санъат ривожи учун улкан ҳисса қўшган. Бобур ўз ҳаёт йўли, таниган-билган одамларининг феъл-атвори тўғрисида ҳақиқатни ёзиб қолдирган улкан адидир. Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Умаршайх Мирзо, Алишер Навоий сингари тарихий шахслар тўғрисидаги энг тўғри тавсифлар «Бобурнома»да баён қилинган. Бобур ўз хатолари тўғрисида ҳам, бошқаларнинг айбу нуқсонлари хусусида ҳам фикрини аниқ айтган. «Бобурнома» темурийлар даври тўғрисида асл ҳақиқатни кўрсатувчи энг ноёб манба саналади. Захириддин Муҳаммаб Бобурнинг қўли билан битилган ушбу ноёб асар ўзига хос қомус бўлиб, унда нафақат тарихий воқеалар, балки турли ўлкаларнинг жўғрофий ўрни, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, одамларининг турмуш тарси, феъл-атвори тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Бобур ўн икки ёшида подшоҳ бўлган. «Самарқандни иккинчи марта қўлга киритганимда Навоий тирик эди. Ундан менга бир мактуб ҳам келган эди» деб ёzáди «Бобурнома»да. Бобурнинг ўша даврда араб ёзувига ўзгартириш киритишга журъят этиши бекиёс жасорат эди. Улуғ шоҳ ва нозиктаъб шоир Бобурни шу боисдан Жавоҳарлаъл Неру «дилбар шахс... Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор ҳукмдори» деб таърифлаган. Эдуард Холден эса: «Бобур феъл-сажиясига кўра Цезарга қараганда севишга арзигулиқдир» деган.

---

<sup>113</sup> Султонов X. Қуёш барчага баробар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 27-бет.

Бу таърифлар Бобурнинг буюк шахс бўлганини билдиради. Бобур тўғрисида хорижлик қаламкашларнинг ҳам талайгина асарлари мавжуд. Ўзбек адабиётида ҳам Бобур ҳаёт йўли ҳикоя қилинган бир қатор асарлар ёзилган. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи улар орасида алоҳида ажралиб туради. Ушбу роман «Бобур» деб номланади. «Юлдузли тунлар»да Бобурнинг ҳаёт йўли кенг ёритилган. Унда тарихий шахслар образи билан бир қаторда, тўқима қаҳрамонлар образи ҳам ишонарли гавдалантирилган.

Хайдиддин Султонов ижодида ҳам унинг Бобурга бағишлиланган асарлари алоҳида ўрин тутади. Бу хусусда адабиётшунос Умарали Норматов шундай дейди: «Ёзувчининг чорак асрлик ижоди намуналарининг тенг ярмини Бобур шахсияти, ҳаёти, ижодига бағишлиланган қисса, ҳикоя, бадиа, сухбат, очерклар ташкил этади. «Йўлбарснинг туғилиши» деб аталган илк киноҳикоясини мустасно этганда, «Ой ботган паллада», «Саодат соҳили», «Паноҳ», «Тавба», «Бобурнинг тушлари», «Нуқта» каби Бобур мавзуидаги асарлари ўз вақтида матбуотда эълон этилган, улар адабий жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотган, айримлар» теварагида қизғин баҳс-мунозаралар ҳам бўлиб ўтган. «Саодат соҳили» қиссаси эса, мана, ўн беш йилдирки, мактуб адабиёти дастури, дарслигидан муҳим ўрин олиб келади»<sup>114</sup>.

Хайдиддин Султонов Бобурнинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш пайдо бўлиши ҳақида бундай дейди: «Ўн тўрт ёшларимда илк бор бу нуроний сиймонинг тасвири чекилган сувратни кўрдим. Олис қишлоқ мактаби, қаҳратон қишининг дилгир кунлари, адабиёт хонаси деворига осилган муҳташам портрет ва ундан мулойим табассум ила боқиб турган, шоҳона салласига укпар жига қадалган улуғ сифат инсоннинг бори-борлиги мурғак тасаввуримга шу қадар теран ўрнашдик, дарс пайтида ҳам, танаффус чоғлари ҳам унинг мардона чехрасидан кўз узолмас эдим. Бу нурли қиёфат мужассам шижаат, мужассам изтироб бўлиб туюлар, суврат остидаги «Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди, Ҳар ишники қилдим хатолиғ бўлди, Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим, Ё Рабб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди» деган сода, ҳазин мисралар бир ўқишидаёқ ёд бўлиб кетган, шу сатрларни кўча-кўйда ҳам, дала-даштда ҳам тақрорлаб юрар эдим. Уларнинг маюс маъноси, шикаста оҳанги дилимга қаттиқ таъсир қилар, ўз-ўзидан йиғлагим, узок бир жойларга бош олиб кетгим келар эди. Шу йўсинда Бобур мирзонинг мардлик ва

---

<sup>114</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2006 йил 20 январ.

мурувватда, заковат ва матонатда тенгсиз шахсиятига мафтун бўлиб қолдим. Мен уни отамдай, онамдай, фарзандимдай яхши кўриб қолдим»<sup>115</sup>.

Бобур шахсига шу тарзда мафтун бўлиб қолган Хайриддин Султонов дастлаб у ҳақда «Йўлбарснинг туғилиши» номли кинохикоя, ундан кейин эса «Ой ботган паллада» ҳикоясини ёзди. Бу асарларнинг асосий қаҳрамони сифатида Бобурни кўрсатди. Хайриддин Султоновнинг Бобурнинг шоҳ ва шоир сифатидаги мураккаб сиймосини гавдалантириш йўлидаги дадил интилиши «Саодат соҳили» қиссасида айниқса, ёрқин кўринди. 1981 йилда «Ёшлик» журналининг дастлабки сонида босилиб чиқкан ушбу қисса «Уста Биноқул, қани туринг, шом тушмай хув довонга етиб олайлик! Ўша довонга етайлик, у ёғи-ё раззоқ!» деб бошланади<sup>116</sup>.

«Саодат соҳили» – Хайриддин Султоновнинг биринчи йирик асари. Бу қисса жозибадор бадиий тилда ёзилган, қаҳрамонлар ҳолати, ички кечинмасини таъсиран гавдалантиргани боис дарҳол ўқувчилар эътиборини тортди. Ушбу қисса тили тарихий мавзудаги энг яхши асарларга хос жиҳатлар ёрқин акс этган. Унда тарихий муҳит, воқеалар кечаётган манзил-маконлар манзараси жозибадор тасвиirlанган. Қаҳрамонларнинг диалог, монологларида ҳам тарих нафаси яққол сезилади. Қисса Ҳиндистонга, Бобур хузурига бориши мақсадида йўлга чиқкан Ҳофиз Кўйкий ва уста Биноқулнинг бошидан кечирганлари тасвири билан бошланади. Биноқул Бобур билан бирга Ҳиндистонга келган отасини дараклаб Ҳофиз Кўйкий билан бирга йўлга чиқади. Аммо йўлда улар кетаётган карвонни қароқчилар талайди. Қочаётib Биноқул оёғи тойганидан тоғ унгуридаги чуқурликка йиқилиб тушади. Умуртқаси қаттиқ шикастланганидан йўл юролмай ҳалок бўлади. У ўлимидан олдин Ҳофиз Кўйкийга: «Армоним ичимда қолди, тақсир. Падаримнинг дарагини билсам эди. Бобур шоҳни бир кўрсам... Тақсир, мана шу китобни мен унга ихлос билан тортиқ этмоқчи эдим. Ўзим китобат қилиб эдим. Билмайсиз, тақсир, ўзим ҳам билмайман, лекин нечундир худо менинг меҳримни ул зотга туширган. Сўнгти тилагим ҳам, васиятим ҳам шу: бу китобни Бобур ҳазратларига элтиб, дуои саломимни етказгайсиз» дейди<sup>117</sup>.

Қиссада Ҳофиз Кўйкийнинг Ҳинд диёрига бориб, Бобур шоҳ билан учрашиб, шогирди уста Биноқулнинг васиятини амалга оширгани таъсиран ҳикоя қилинади. Ҳофиз Кўйкий илм ўрганишга умрини бағишилаган, бу йўлда чексиз мاشаққатлар тортган мутафаккир зотларнинг мужассам сиймоси сифатида таассурот уйғотади. Ҳофиз

<sup>115</sup> Султонов X. Бобурийнома: Маърифий роман. – Т.: «Шарқ», 1997. – 5-бет.

<sup>116</sup> Султонов X. Бир оқшом эртаги. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 159-бет.

<sup>117</sup> Султонов X. Бир оқшом эртаги. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 163-бет.

Кўйкий қиссада дунёнинг қарийб ярмини кезган жаҳонгашта одам, ҳаётнинг қадрини, тирикликнинг нечоғли улуғ неъмат эканини теран англаған, сўққабош, вораста – озод, эркин одам деб таърифланади. Бошидан кечирғанларию кечинмалари ҳақиқатан унинг шундай зот бўлғанлиги ҳақида тасаввур уйғотади.

Хайдиддин Султонов Ҳофиз Кўйкий характерини дастлаб Биноқулнинг устози тўғрисидаги мулоҳазалари орқали таърифланади. Бу таъриф қуйидагича: «Устози сўққабош, вораста қўнгил одам бўлиб, умри муттасил сафарларда ўтарди. У баъзан иккича йиллаб беному нишон кетар, сафардан қайтгач, масжид хонақосига туташ ҳужрасида мутолаадан бош кўтармай, алланарсалар ёзгани ёзган эди. Биноқул бу битикларнинг нималигини билмас, сўрагани ботинолмас, аммо устозининг ёш бўлса-да, улуғ одам эканини сезарди: масжид эшигига Тошканд, Самарқанд ва бошқа шахру кентлардан отлиқлар, ҳашаматли соябон аравалар тез-тез келиб турар – зарбоф тўн кийиб, салобий салла ўраган турли-туман басавлат кишилар Ҳофиз Кўйкийни зиёрат қилиб чиқар эдилар».

Бундан маълум бўладики, Ҳофиз Кўйкий – донишманд зот. Шунинг учун уни турли шаҳар, қишлоқлардан амалдорлару оддий фуқаролар зиёрат қилгани келишади. Уста Биноқул сингари кишилар ботиниб бир гап сўролмайди. Уста Биноқул устозига ўзи билан бирга Ҳинд ўлкасига сафарга бирга олиб кетишни унонг оёғига бош уриб сўрайди. Оддий, бечора кишилар ҳам хар кимнинг оёғига бош уравермайди. Оёғига бош уриш эҳтиром, хурмат, илтижони билдиради.

Ҳофиз Кўйкий одамларнинг ана шундай хурмат, эҳтиромига сазовор сиймо эканлиги сюжет воқеалари давомида аста-секин очиб берилади. У Агра шаҳри бозори яқинидаги карvonсаройда Бахшитуркка дуч келганида, унинг девона эмас, Ҳаққа етган комил зот эканини пайқайди. Ҳамма бир девона деб бепарво қарайдиган Бахшитуркнинг «пойинтар-сойинтар сўзлари замиридаги оддий, аммо шафқатсиз ҳақиқатдан бенихоя ҳайратга тушади. Унинг ҳисоб-китобларини хаёлан текшириб кўрар экан, бу қадар аниқлигидан ғоят таажжубланади».

Шу воқеалар баёнидан кейин Ҳофиз Кўйкийнинг машҳур алломалардан экани Бобур саройидаги воқеаларда кўрсатилади. Бу воқеалар қиссада жонли тасвиранади. Ўқувчи кўз ўнгидаги шохнинг муҳташам саройи, тахти, атрофида турган амалдору аъёнлари худди кўриниб турдандай бўлади: «Бобур Кўҳистон ва ҳинд жавоҳирлари, асл афғон ёкутлари билан зийнатланган тахтдан туриб, ўз мавқеъларига кўра чизилишиб жой олган аркони давлатга бир-бир разм солди. Йўғон гавдали, сийрак мўй Абдулвоҳид

Фироғийга кўзи тушгач: – Мавлоно Фироғий, – дейди оҳиста, бу зот ким бўлса экан? Сизнинг ҳеч эшитганингиз борми?

Абдулвоҳид Фироғий дамқисма касалига мубтало эди, ўрнидан қўзғалиб, ҳансираганча сўз бошлади:

– Олампаноҳ, сизни йўқлагувчи бу зот Мовароуннахрнинг машхур алломаларидан бўлур. «Кўйкий» тахаллус қилибтур, деб эшитганим бор. Тошканда эканимда бир китобатини мутолаа қилиб эрдим. «Рисола фи фанн ат-тафсир ва-л усул ва-л фуруъ ва-л мантиқ ва-л калом» деб ном бермишлар экан, шоён таҳсинга сазовор эди. Яна бир нима таснифлари ҳам бор, алалхусус, илми тарихда беназирдур»<sup>118</sup>.

Ҳофиз Кўйкийнинг узоқ йўл босиб, мashaққатлар кечириб, Ҳинд тупроғида шоҳ саройида Бобур билан учрашганидан сўнг сюжет воқеаларида Бобур бевосита иштирок эта бошлайди. Қиссада Бобурнинг ҳолати унинг ватанни соғиниб яшашини таъкидлаш билан бошланади. Бутун асар давомида Бобурнинг ватан соғинчи билан яшаб ўтганлиги унинг ички кечинмалари тасвири орқали гавдалантирилади.

«Саодат соҳили» қиссасида Бобурнинг қалбидаги оғриқли кечинмалар таъсиран гавдалантирилади. Бобур шеъриятни севгани, илм-фан қадрини чуқур ҳис қилгани унинг ички кечинмаларида кўрсатилади. Ватани тўғрисидаги ҳар бир хабар Бобур хаёлида ўтмишни жонлантиргани, юрт соғинчи, у билан ҳамроҳ бўлган, тўқнашган кишилар сиймосини эслатгани қиссада бу тарзда таъкидланади: «Абдулвоҳид Фироғий яна алланарсаларни гапирав, аммо Бобур энди эшитмас – теран хаёлга чўмган эди. «Фаркат» деган сўз унга совуқ ёмғир савалаб турган изгиринли тунларни, кузак осмонида фавқулодда чақнаган чақмоқларни эслатди, умрининг рутубатли, ҳазин онларини ёдига солди. Ўша воқеаларга қанча бўлди экан? Ё раббий, йигирма етти йил! Қарчиғайдек бир йигит умри! Ўшанда ёнида ҳамроҳу ҳамкор бўлганлардан кимлар бор? У турли-туман номларни эслашга уринаркан, уларнинг баривар бармоқ орасидан шувиллаб тўкилган қум сингари хотираси қатларидан бир-бир сирғалиб тушаётганини сезди. Нуён қўкалдош, Ғулда Қосимбек, Холдор, Миршоҳ Қавчин, Қўчбек... эвоҳ, қайда улар? Қаердалар? Барчаси энди «раҳматли»! Баъзиларни шиддатли жангларда бошидан айрилди, баъзилари ғаним найрангига дучор бўлди, айримларининг умри қисқа экан, айримлари эса... хиёнат қилди... Оқибат, ўша кунлардан бу кун аччиқ, маҳзун хотиралар ёдгор,

---

<sup>118</sup> Султонов Х. Бир оқшом эртаги. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 167-бет.

холос. Бобур аламли ўйлардан эгилган бошини оҳиста кўтарди. Абдулвоҳид Фироғий жимгина қўл ковуштириб турарди»<sup>119</sup>.

Хайриддин Султонов Бобурнинг кечинмаларини тасвирлашда образли ифода, ташбеҳлар қўллайди. Бу билан унинг шоирона қалбини аниқ ифодалайди. Айни ўринда ишлатилган «уларнинг бари бармоқ орасидан шувиллаб тўкилган қум сингари хотираси қатларидан бир-бир сирғалиб тушаётганини сезди» деган жумла Бобурнинг хаёлга ботиб турган ҳолатини аниқ гавдалантиради.

Ҳофиз Кўйкий Бобурга ҳаётда жуда кўп нарсаларни кўрган, кечирган, мушоҳада қилган одамларга хос муомала қиласди. Ҳофиз Кўйкий дастлабки учрашув чоғидаёқ Бобурга: «Она ватанингиздан, кўз очиб кўрган вилоятларнингиздан сизларга кўпдан-кўп дуои саломлар келтирдим. Ота юртимизнинг табаррук ёди муборак хотирларидан кўтарилимаган бўлса керак...» деб айтади. У бу тарзда гап бошлаш билан Бобурнинг кайфиятини, ватанига, ватандошлирига муносабатини билмоқчи бўлади.

Бобур ҳам аллома Ҳофиз Кўйкийнинг кўнглидаги ўйини сезгандай овози титраб: «Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унугтай? Унугтан кишининг кўзларига тириклийин тупроқ тўлмасми?» деб жавоб беради.

Ватанидан айрилган, душманлари томонидан ўз диёридан қувиб чиқарилган Бобурнинг ўрнида бир киши бўлганида у аламзадага айланарди ва ватанини бу қадар соғиниб эсламасди. Ҳофиз Кўйкий шуни аниқлаш мақсадида хам «Ота юртимиз»нинг табаррук ёди муборак хотираларидан кўтарилимаган бўлса керак» деб савол беради. Бобурнинг ватанини соғиниб яшашини билганидан кейин мамнун бўлгач: «Ҳақ сўзни айтдингиз, олампаноҳ. Комил инсон киндик қони тўкилмиш юртни ҳаргиз унута олмас. Хотирингиз жам бўлсин, олампаноҳ, ул диёрларда муборак номингизни ҳануз ёд этурлар. Инчунун, сизга аталмиш бир омонатни топширмоқ менга қисматлиғ қарз эди. – У қўйнидан нафис сахтиён муқовали китобни олиб, Бобурга авайлаб узатди».

Алишер Навоийнинг Биноқул томонидан ихлос ва меҳр билан китоб қилинган «Насойим ул-муҳаббат» асарини қўлга олар экан, «Муҳаббат насими келган юртга жон садақа бўлсин» дейди. Китоб номидаги «насим» деган бир сўздан бундай маъно англаши ҳам Бобурнинг қалбida ватан соғинчи ғоят юксак бўлганидан далолат беради.

Хайриддин Султонов Бобур характерини унинг ватанини соғиниши, қўмсаши орқали очади. Шоир ва шоҳ Бобурнинг қалбини унинг ота-боболари юртини эслаб азобланиши асосида гавдалантиради.

---

<sup>119</sup> Султонов Х. Бир оқшом эртаги. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 168-бет.

Хофиз Кўйкий Бобурга Ҳиндистонга, унинг ҳузурига келишдан мақсади тарихга доир бир асар ёдли истаги эканини маълум қилади. Бобур «умрим мобайнида қалбаки тангалардан кўра қалбаки алломаларни кўпроқ учратдим. Аларнинг ҳақ ва маърифат номидан сўйлаган ёлғонлари мени муттасил ғазабга солди» деб уни синайди. Ҳофиз Кўйкий шоҳнинг бундай мулоҳазаларидан гангиб каловланади. Сўнг журъат билан: «Шаккок қулингизни маъзур тутинг, олампаноҳ, бироқ, таассуфки, сизни ҳам кўп донишпарвар зот, илм-маърифатнинг чин ҳомийси, деб таърифлаб эдилар» дейди.

Бобур ва Ҳофиз Кўйкийнинг айни мулоқотлари баён этилган саҳифаларда ҳар иккала қаҳрамон характери қирралари кўрсатилган. Айни сухбатда Ҳофиз Кўйкийнинг илм-маърифатга чинакам ихлос билан интилиши, бу йўлда ҳар қандай қийинчилик, мashaққатга тайёр туриши кўрсатилади. Бобурнинг эса ҳар қандай кишини донишманларга хос синовдан ўtkазиши, ҳар бир масалада обдон ўйлаб иш тутишига эътибор қаратилади. Бобур Ҳофиз Кўйкий билан дастлабки учрашувдаёқ қандай зот эканлигини пайқаган бўлса-да, лекин синаб кўради. «Бизнинг ҳузуримизга не-не муҳтарам зотлар ганжу давлат тилаб, рутбаю унвон тилаб қадам ранжида қилдилар. Лекин шу вақтгача китоб излаб, маърифат истаб келган бир кимсани кўрганимиз йўқ эди. Шукур тангригаким, алҳол иноят айлаб, зорикиб кўз тутган кишимизнинг дийдорига етиштириди. Ҳар қандоғ ноёб китобимиз бўлса, сиздан айлансин» деб хурсандлигини билдиради.

Қиссада Ҳофиз Кўйкийнинг бутун вужуди билан илмга берилгани, характери, феъл-авторига шу интилиш сингиб кетгани хусусида бундай ёзилади: «Ҳофиз Кўйкий Бобурнинг рағбати туфайли зўр ҳавас ва иштиёқ билан ишга киришди. Олимнинг бошидан кечирмиш уқубатлари шоҳ кутубхонасининг остонасидан ичкари ҳатлаши биланоқ буткул унут бўлди. У кўхна қўлёзмаларнинг сарғайган саҳифаларини кўз нури ва юрак қони билан мунаvvар этиб, тарихнинг унутилган, чалкаш сўқмоқлари орасидан Ҳақиқат водийси сари элтувчи чағир тошли ягона йўлни излашга тушди»<sup>120</sup>.

Ушбу асар «Саодат соҳили» деб номланган. Ушбу сўз бирикмаси орқали қисса қаҳрамонларининг характери кўрсатилади. Ватан мадҳи, юрт соғинчи шоҳ ва шоир Бобурни ва олим, сайёҳ Ҳофиз Кўйкийни ўзаро ҳамфикр, ҳамдардга айлантиргани таъкидланади. Турли келишмовчилик, жангу жадалларни бошидан кечирган Бобур ватан соғинчи билан юрган кезларида Ҳофиз Кўйкийдан: «Оллоҳнинг ҳар бандаси гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд тушлар кўтур. Тушда кишига кўп биликсиз нарсалар аён бўлғусидир. Шундай

<sup>120</sup> Султонов Х. Бир оқшом эртаги. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 181-бет.

эмасми, мавлоно? Аммо менинг... Не вақтларким, мен муттасил бир туш кўриб, мазмунини англамоқдин ожизман. Тунлар баъзан яккаш бир йўсин манзара намоён бўлур, ўша Фаркатда кўрганим – тошқин сой худудсиз бир денгиз каби айқириб ётади. Сув бетини муз босган. Қўлимда асо, муз узра шитоб ила қайгадир елиб бораман. Ҳар қадам қўйганимда оёғим остида муз қирс-қирс ушалар, муз ҳар қисирлаганда юрагим қалқиб-қалқиб кетар... На денгизнинг поёни бор, ваҳм ичра қора терга ботиб тентиб юраман. Саҳар чоғи ҳушим бошимдан учиб, не вақт ҳайрону паришон ўлтираман. Сўнг аркони давлат, мунахжимлардан таъбир сўрайман. «Олампаноҳ, муборак назарингиз тушган ул каноре, иншооллоҳ, саодат соҳили бўлур» дейдилар. Саодат соҳили! Қайда у? Қай баҳтиёр кимса унга етибдир? Кўп алломалардан, уламои киромлардан сўроқладим: «Қайда у?» Кўнгил тингудек бир жавоб топмадим. Гоҳ айтдиларки, у чоғир денгизнинг қирғоғида, гоҳ дедиларки, маърифат дарёсининг канорасида... Гоҳ эса уқтиридиларки, савоб уммонининг сарҳадларида» деб сўрайди. Дилида дарди бор, лекин унинг нима эканлигини билолмаган кишигина шундай ҳолатга тушади. Бобур ҳам ўз изтироби сабаби, дили ғашлиги боисини билолмай азобланади. Қиссада унинг ана шу ҳолати аниқ ифодаланган. Бобурнинг ватан соғинчини унинг туши билан боғлаш, уни «саодат соҳили» деб номлаш ёзувчининг ўзига хос бадиий топилмасига айланган. Ҳофиз Кўйкийнинг Бобурга «сиз тушларингизда интилган манзил-саодат соҳили ватанд» дейиши ҳам қиссанинг энг таъсирчан ўрнига айланган. Ҳофиз Кўйкийдан бу жавобни эшитганда Бобур қандай ҳолатга тушгани, атроф қандай кўриниш олган асарда қуидаги тарзда жозибали тасвирланган: «Бобур бирдан ялт этиб қаради. Шоҳнинг сархуш кўзларида ногоҳ ўкинч кўланкаси пайдо бўлганини кўриб, Ҳофиз Кўйкий ғайришуурий тарзда унинг дилидаги битмас жароҳатга тиф тортганини пайқади-ю, хижолат чекиб, ерга тикилди. Уфқ қуёшли ўз бағрига дағн этди. Булутларнинг кўкси қонга тўлди. Олисдаги тоғлар унсиз фарёд чекди. Ёруғ оламда бу фарёдни муazzзам тоқи равокда ўз хаёлларига гарқ бўлиб ўтирган икки кишидан бўлак бирор кимса эшитмади»<sup>121</sup>.

Ушбу қиссада Бобур характеристининг энг муҳим жиҳати – унинг доимо ватани соғинчи билан изтироб чекиб яшагани, ўз умрини, кўрган-кечиргандарини тагтиш қилиб юргани, илм-маърифатга меҳр қўйган кишиларга ғам-хўрлик кўрсатгани таъсирчан тасвирланган.

Хайдиддин Султоновнинг «Саодат соҳили» қиссаси тарихий мавзуда бўлса, «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», «Кўнгил озодадур...» қиссалари учун замонавий ҳаёт мавзу қилиб

<sup>121</sup> Султонов Х. Саодат соҳили. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 188-бет.

олинган. «Ёзниг ёлғиз ёдгори» қиссаси «Адаш Карвон» деб ҳам юритилади. Чунки бу қиссанинг бош қаҳрамони – Адаш Карвон. «Кўнгил озодадур...» қиссасининг бош қаҳрамони эса Ғулом. Адаш Карвон – кекса чол. Ғулом эса университетни эндишина тамомлаб, иш бошлаган, ижарада яшаб юрган ёш йигит. Адаш Карвон замоннинг турли талотумларини бошидан кечириб, азоб-укубатлар кўрган киши. Ғулом бўлса ҳаёт мураккабликларига энди дуч келмоқда. Ғулом адабиёт тарихидан диссертатсия иши ёзиш билан машғул. Унинг бутун фикру хаёли илмий иши мавзуси билан банд. Ғулом Гулханий ҳаёти ва ижодини ўрганишни мақсад қилган. Шунинг учун у ўтган замонларда яшаган шоир Гулханийнинг «Зарбулмасал» қаҳрамонлар билан сирлашади ва ўзини енгил ҳис қиласади. Ён-веридаги айрим кишиларнинг нафс илинжида юриши, бир-бирини алдашини кўриб ҳайрон қолади.

Адаш Карвон ва Ғулом ҳалол яшашига интилиши, ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилиши, ҳар бир ишга вижданан ёндашиши, ҳеч кимни ранжитмаслиги, қўлидан келганча бирорга ёрдам бериши, кечиримлилиги жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Адаш Карвон ҳам, Ғулом ҳам ҳеч қачон бирорни алдамайди, нафси қутқусига учиб майшатпарамастлик қилмайди. Ёзувчи «Ёзниг ёлғиз ёдгори»да ҳам, «Кўнгил озодадур...» қиссасида ҳам бошқаларга зулм қилишни ўзига касб қилиб олган кимсалардан озор чеккан кишиларни асосий қаҳрамон сифатида кўрсатган. Умуман, ҳалол, вижданли одамларни бош қаҳрамон сифатида кўрсатиш Хайриддин Султонов қиссаларига хос етакчи хусусият саналади. Чунки «Саодат соҳили» қиссаси бош қаҳрамони Ҳофиз Кўйкий ҳам, Бобур ҳам ҳалол, вижданли кишилар. Улар ўзларининг ҳар бир хатти-харакати ҳақида ўйлади, мушоҳада юритади, хатолари учун изтироб чекади.

«Ёзниг ёлғиз ёдгори», «Кўнгил озодадур...» қиссалари бош қаҳрамонлари Адаш Карвон ҳам, Ғулом ҳам ўз бошига тушган турли воқеалар сабабини бошқалардан эмас, ўзидан излайди. Улар нима иш қилдим, қандай хатога йўл қўйдим, деб изтироб чекади. «Саодат соҳили» қиссасида Бобурнинг ҳам шундай ҳоллари тасвиранади. Хайриддин Султонов Адаш Карвон, Ғулом, Бобур, Ҳофиз Кўйкий характерида эзгу инсоний хислатлар устувор эканини уларнинг ички кечинмалари орқали очиб беради.

«Эзгулик» деганда кишиларга яхшилик қилиш орқали яхши ном қолдириш назарда тутилади. «Ёзниг ёлғиз ёдгори» қиссаси қаҳрамони Адаш Карвон бу ҳақда шундай ўйлади: «Асли ёдгорлик деганимиз нима? Бир юракнинг иккинчи бир юракда қолдиргувчи азиз, ардоқли армони эмасми? Ҳар кимса тириклигига қилган савоб ишлари билан ўзига ўзи хотира қўйиб кетади. Қачондир, қайдадир иморатга қўйилган бир дона ғишиш, қайсирид беғда ўтқазилган бир туп ниҳол, кўнгли ярим ғарибга айтилган бир оғиз

ширин сўз, beminnat topilgan bir burda non – odamzot ўзи учун ўзи бунёд этажак ёлғиз ва асл ёдгорлик мана шу»<sup>122</sup>.

Адаш Карвон – тақводор киши. Болалигида диний китобларни ўкиб, художўй бувисининг таъсирида ўсган. Адаш Карвон – бой-бадавлат савдогар эмас. Унинг туялари қатор тизилган карвони йўқ. Адаш Карвон умрида түя ҳам етакламаган. Унинг бобоси Соҳиб Карвон донгдор савдогар ўтган. Ўша кишининг ўттизта нортуюси, йилқио хўқизининг ҳисоби бўлмаган. Аммо Соҳиб Карвон ўғли Мирза Карвонга бойлигини мерос қолдирмаган. Мирза Карвонга отаси донгдор савдогар бой Соҳиб Карвоннинг ҳисоби йўқ бойлигидан фақат «Карвон» деган лақабио икки токча китоби насиб қиласди, холос». Соҳиб Карвоннинг хотини Улуг буви бу ҳақда ўғли Мирза Карвонга: «Отанг савлатидан от ҳуркадиган одам эди. «Соҳиб Карвон» деганда етти яшардан етмиш яшаргача қўл қовуштиради. Мол-дунё вафо қилмас экан, шундек одам бир кечада эгнидаги тўнигача қиморга бой бериб келди, уч ойдан кейин қўшнисиникига бир кафт ун сўраб чиқиб, қуруқ қайтдим. Ўтники ўтга кетди, сувники сувга... Манглайнинг фарзанд битибди, минг-минг шукур қил, боланг ҳақ йўлига кирсин, алҳамдулилло кам бўлмас, бу дунёда кишига фақат илм вафо қиласди» дейди<sup>123</sup>.

«Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссасида етмиш икки йиллик умрида турли воқеаларни бошидан кечирган Адаш Карвон хаёт йўли хикоя қилинади. Бу воқеалар Адаш Карвоннинг хаёли, тасаввури ҳамда Насиббек, Гулнор, Сатторнинг алам, изтиробга тўла муҳаббат можаролари билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Қисса сюжет воқеалари марказида Адаш Карвоннинг хаёт йўли, унинг қайғуга тўла кечинмалари туради.

«Кўнгил озодадур...» қиссаси қаҳрамони Ғуломнинг ҳам қалби яхшилик туйғусига тўла. У бу жиҳатдан Адаш Карвонга жуда ўхшайди. Ғулом хаёлан Гулханий билан, «Зарбулмасал» асаридаги қушлар билан сұхbatлашади. Бу мулоқот мақол ва маталларга, киноя, пичинг, ўткир кесатиқларга бой. Қиссани ўқиш давомида «Зарбулмасал» сингари мумтоз адабий асарларида бугунги кун одамлари ҳаёти ҳақидаги анчагина ҳақиқатлар айтилганига ишонч ҳосил бўлади. Хайриддин Султонов «Кўнгил озодадур...» қиссаси матнига «Зарбулмасал»даги мақол, ривоят, хикоятларни маҳорат билан сингдирган. Гулханий асаридаги мақол, маталлар мазмуни ҳозир ҳам ўзгармагани Ғуломнинг кечинмалари, бошидан кечирганлари орқали кўрсатилади. Ғулом Гулханий замони, у яратган «Зарбулмасал» асарида тасвирланган воқеалар ичига сингиб кетгандай кўринади. Шунинг учун унинг «Дейдиларки, илон-чаёнларни ўрганаётган одам, охир-оқибат шу газандаларга ҳам меҳр қўйиб қолар экан. Шунданмикан ёки ёш умримни бағишлиб ўлтирганим учунми, қай бир замонларда яшаб ўтган Муҳаммад Шариф Гулханий деган ринданафас бир одам ҳам энди менга отамдек азиз бўлиб қолган, узун, совуқ кечаларда уч хонали бўм-бўшижара уйда ёлғизлик нимадир – билмас эдим. Ой

<sup>122</sup> Султонов X. Бобурнинг тушлари: Қиссалар. Ҳикоялар, Эсселар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 272 б. – 178-бет.

<sup>123</sup> Султонов X. Бобурнинг тушлари. – 114-бет.

охирларида, шунча пайтдан буён «оғзига сўк солиб олган» телефон туйқусдан тилга кириб, уй бекаси Динора опа малол келтирмайгина ижара ҳақини эслатганида, ғойибга тикилганча, пўписа қилиб қўяр эдим: «Хўш, мавлоно Гулханий, бека ижара истар, окчадан чиқарсинглар! Кечаю кундуз шунда ҳозиру нозир бўлсангиз, ё ҳалимхона бундаю зикрхона ундами?! Мавлоно Гулханий ранжиб жавоб қиласар эдиларки: «Биз қўй кўрмасак ҳам, қий кўрган эрдук. Кул билан қўймок есанг, кустирмай қўймас, чўри билан чалпак есанг, қайтармай қўймас». Сўнг тумтайиб, индамай келардилар, менинг эса, у киши Ғулом исмимга мутойiba қилганига дарҳол фаҳмим ета қолмас, англаб етгач, бисёр завқим қўзиб кулиб юборар эдим. Умуман, менинг Ғуломлигиму унинг Муҳаммад Шарифлиги аксарият лутфу зарофатларимизнинг қизғин ва туганмас пайровига айланган эди. «Нечукким айтмишлар,-дер эдилар у киши сохта қовоқ уюб, қум йиғилиб тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас». «Ҳаққос рост, тақсир,-дер эдим мен, – ғуломлигим чин бўлмаса, сизнинг этагингиздан тутармидим? Яхшилар била юрдунг-етдинг муродга, ямон била юрдунг-қолдинг ўётға. Бу сўзлар ўзингиз айтган сўзлар, тонмассиз тақсир? Мана, китобингизнинг йигирма учинчи саҳифасида зикр этилибдир» деган сўзларни китобхон мароқланиб ўқиуди.

«Мавлоно Гулханий зикр этмиш ҳар бир мақол ортидан бир тақдир даричаси яққол кўриниб туради» дейди Ғулом ва «Зарбулмасал»даги мақол, ривоятларни ўзи кўрган-билган воқеаларга қиёслайди. Гулханий қаҳрамонларни таниган, ўзи билан бирга ишлаётган одамларга қиёслайди. Ғулом Гулханийни худди кўриб тургандек, у билан сухбатлашади. У Гулханий қиёфасини қуидагича тасаввур қилишни айтади: «Муҳаммад Шариф тўрда, бошини қуи эгиб ўлтиради, мудом табассум. Киноя ва мутойиба жилва қилгувчи озгин. Заҳил юзларида қайгу қўланкаси» (Султонов X. Бобурнинг тушлари. –5-бет.)

«Кўнгил озодадур...» Гулханий шеърининг мисарсида олинган парча. Ғуломнинг хаёлида Гулханий: «Кўнгил озодадур, кўнгул озодадур, дунёга арзи эҳтиёж этмаз» деяётгандай бўлади. Бойлик, пул-молга қизиқмаслиги жиҳатидан Ғулом Гулханийга ўхшайди. Шунинг учун у Гулханий билан хаёлан гаплашади. Ҳеч кимга айтолмайдиган ички дардларини хаёлан «Зарбулмасал» муаллифига айтади. «Мен унга дилимни ўртаб шубҳаларни сўйладим. Оламнинг норасо ишларини гапирдим. Не-не аждодларим ақли етмаган саволларга ундан жавоб сўрадим: одам недур, нечун дунёга келур? Келмагидан мурод надур, ккетмагидан фарёд надур? Нечун ҳақ мудом таъқибдадур? Разолат ҳануз ғолиб келур? Не боис то ҳамон сув келтирган хордир? Бани башар токайгача сабий қолур?» деб сўрадим дейди Ғулом. Ғуломнинг бу мулоҳазалари «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаси қаҳрамони Адам Карвоннинг ҳаёт ва ўлим, инсон умрининг мазмуни, инсондан қоладиган ёдгор тўғрисидаги ўйларига ўхшаб кетади. Адаш карвоннинг қабристонга борган ҳолати қуидагича тасвирланади: «Қабристон сукунати ютаман дейди. Яланғоч қайрағочлар маюс оҳ тортади, ақалли бирорта бўлсин яшил япроқ излаб изғиган шамол қонталаш баргларни саргардон тентиратади, кузакнинг бу нурсиз кунида янада бефайз

кўринган ғаріб сағаналар узра телба саховат билан хазон сочади... Мозорнинг сўник манзараси Адаш Карвон дилида ўлим ҳақ эканига ҳамиша иймон келтирувчи, кун-узун кун омонатини елдек келиб, селдек олишини илтижо қилувчи бир кимса дилида уйғотган поёнсиз ғашлик ва қўрқувни энг мутаассир суралар ҳам қувиб чиқара олмади. Бағрига не-не зотларни жимгина ютиб, тўймас кўзларини жимгина юмган бу қўхна макон, девор ортидаги тириклиқ талвасасига бутқул бепарво, совуқ, ғолибона бир салобат тўкиб турар эди. Адаш Карвон бу ерга илк бир қачон келганини ўйлаб кетди. Эҳ-хе! Эслаб бўлармиди буни! Дарёдаги томчини ҳисоблаб бўладими? Осмондаги юлдузни санаб бўладими?! Адаш Карвон етмиш икки йиллик умри мобайнида бу маконга озмунча келганми? Озмунча одамни тупроққа қўйганми? Ҳар сафар оломон сафида, пайманаси тўлган марҳумни жойростонига топширгани келаркан, шу оломон унинг ўзини ҳам мозорга сўнгги марта элтадиган кун яқинлашаётганини дил-дилидан англар эди. Бу ерга отаси ўлганда келди, онаси ўлганда келди, қариндош-уруғлари ўлганда келди ва ҳар гар юрагининг бир парчасини совуқ тупроққа кўмиб, жимгина уйига қайтди. Охири бир парча-бир парчадан узила-узила, тупроққа кўмила-кўмила юраги адои тамом бўлди, ўрнида қолган нарса тошга айланди<sup>124}</sup>»

Адаш Карвон ҳам, Ғулом ҳам теварак-атрофидаги ҳодисаларга бепарво, бефарқ эмас. Шунинг учун улар ҳар бир нарса тўғрисида ўйлайди, мушоҳада юритади. Улар характеристидаги ана шу ўзига хослик бошқалар эътибор қилмаган ҳақиқатларни англашига сабабчи, восита бўлади. Адаш Карвон қабристондаги қабртошларини қўриб, хотини Ойниса, ўғли Насиббекнинг умр йўли ҳақида ўйлар экан, ўғли ҳам, кампири ҳам ҳалол яшаб, иймони саломат, диёнати пок бўлганини иймон келтиради. Улардан Адаш Карвон чексиз изтироб билан бирга, ўртаниб эслаган чоғи юрак-бағрини ёруғ бир шукуҳга тўлдирувчи соғинч ёдгор бўлиб қолганини англаб етади. Бу соғинч ёдгорлиги ҳашаматли мармартошлардан ҳам баланд, муҳташам экани ҳақида ўнлаб қолади. Ҳар бир одам ўзи учун ўзи ёдгорлик барпо этиб яшashi ҳақида мушоҳада юритади.

«Кўнгил озодадур...» қиссаси қаҳрамони Ғулом Шодиёр билан ижарада ҳамхона бўлиб яшашди. Ғулом ва Шодиёр бир-бирининг тамоман тескариси. Ғулом худди «Саодат соҳили»даги Ҳофиз кўйкий, «Ёзнинг ёлғиз ёдгори»даги Адаш Карвон сингари ҳалол, иймон-эътиқодли йигит. Шодиёр эса майшатга берилган. У хуқуқшунослик институтида ўқииди. Аммо дарсга бормайди. Ўзига ўхшаган бойвачча оғайнилари билан майшат, кайфу-сафо қилиб кунларини ўтказади. «Айтишича, у юридик институтда

---

<sup>124</sup> Султонов Х. Бобурнинг тушлари. 112-113-бетлар.

ўқишига қизиқмайди. Бу ерга ўқишига отаси мажбурлаб киритиб қўйган. Шодиёрнинг ўзига қолса, у футболчи, ё артист бўлмоқчи экан. «Менга калла ишлатмайдиган ўқиш бўлса» дейди у. Шодиёр дунёда иккита нарсани: рок мусиқаси ва машини ҳайдашни яхши кўради. Отаси у мактабни тугатганида «Жигули» машинаси олиб берган. Шодиёр ҳаром-ҳариш ишларга қўл уришдан асло тортинмайди. У имтиҳонларни топишириш учун ҳам пул беради ва бу ишини оддий, табиий ҳодиса деб билади. «Нима ҳаром-ҳариш? Ҳамма қатори, кўпчилик нима бўлса, биз ҳам шу. Умр бир марта берилади, ўйнаб-кулган қолади, бошқаси – бир тийин» дейди Шодиёр<sup>125</sup>. Чунки майшатни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, ҳаром-ҳариш йўллар билан пул топишга ружу қўйганлар даврасида улғайган. Шодиёр наша чекади. Унинг отаси, тоғаси ҳам Шодиёрга ўхшайди. Ғулом оқ қўнгил, раҳмдил, бирорларга яхшилик қилишни бурчи деб билгани учун Шодиёрни ёмон йўлдан қайтармоқчи бўлади. Аммо Ғулом пул, майшат кутуртирган Шодиёрни тарбия қилолмайди. Наша чекиб, ўзини бошқаролмай қолган Шодиёр алданган бир қизни кутқармоқчи бўлган Ғуломни пичоқлаб ўлдиради.

«Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссасида ҳам ўз истак-ҳоҳишини ўйлаган Сатторнинг қотилликка қўл уриши, у алам, ҳасад оловида ёнганидан Адаш Карвоннинг ёлғиз ўғли Насибекни отгани баён этилади. «Кўнгил озодадур...» қиссасида Шодиёрнинг қилмишидан кейинги ҳолати баён этилмайди. «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссасида Сатторнинг изтироблари очиб берилади. Саттор турмадан Гулнорга «Илтимос, қарғаблаънатлаб бўлса-да, мени аҳён-аҳёнда ёд этиб турсанг. Зора, мен шунда диёдорингни яна тушларимда кўра олсан» деб хатлар ёзади. Лекин бу хатларини юбормайди. «Қайси юз билан юбораман, Гулнор?! Ахир, энди сенга лоақал хат ёзишига ҳам ҳаққим йўқ-ку!» деб изтироб чекади. Ёзган хатларини йиртиб ташлайди. Аммо Сатторни хотиралари доим азоблайди. Қиссада Сатторнинг изтироблари қуйидагича тасвирланади: «Шу лаҳзанинг ўзида жуда кўп нарсани бирданига тушунди – ўтган умрни қайтариб бўлмаслигини, қачонлардир жаҳолат туфайлими, ҳасад туфайлими, муҳаббат туфайлими, содир этилган машъум хатони ҳам тузатиб бўлмаслигини, қанчалар оғир, мاشақатли бўлмасин, энди бошқача яшashi кераклигини, бундан бўлак иложи йўқлигини...»<sup>126</sup>.

Саттор хатоларини англамасдан аввалроқ Адаш Карвон ҳам, унинг хотини Ойиса ҳам ўғлининг қотили –Сатторнинг гуноҳини кечади. Адаш Карвоннинг хотини Ойиса вафот этаётган чоғида эрига: «Раҳмонбердининг ўғлини кечирдим, сиз ҳам

<sup>125</sup> Султонов Х. Бобурнинг тушлари. 45-бет.

<sup>126</sup> Султонов Х. Бобурнинг тушлари. 181-бет.

кечиринг» деб васият қилади. Адаш Карвон ўғлининг қотили Сатторни аллақачон кечирган бўлади. Ҳатто, судда ҳам унга ҳеч қандай даъво-жанжал йўқ эканини очиқ-оидин айтган бўлади. Қиссада Адаш Карвоннинг Сатторга бу муносабат қуийдагича тасвиранади: «Лекин шундай дегани билан, тирик жон, шу кунгача қўнгилда унга чексиз-чегарасиз адоват пинҳон экан. Таажжубки, фақат шу бугун, боя қабристонда, совуқ сағаналарга тикилиб ўтирганда ана шу кек ва қудрат алангага гўё аллаким сув сепгандек, жазиллаб ачишган жароҳатларига муздай малҳам қўйгандек бўлди. Ҳа, нек бўлган бўлса-бари ўтди! Энди қандай бўлмасин, Сатторни кўрмоғи, Сатторни кўрмоға, кампирнинг сўнгги тилагини адо этмоғи керак. Токи бир бандам бечора умр бўйи ўртаниб ўтмасин! Буни шу пайтгача журъати етмасданми, қўнгилнинг исёнини босолмайми, айтмаган экан, энди айтиши ҳам қарз, ҳам фарз. Майли. Ахир расулуллоҳ айтмишларким: «Эртага қиёмат деган кун ҳам дараҳт экингизлар»<sup>127</sup>.

Адаш Карвон тақводор, художой киши бўлгани боис бошига неки мушкуллик тушса, тақдирнинг хукми, унга қўниш, қўнизиш, итоат қилиш керак, деб яшайди. Шунинг учун у бегуноҳ ўғлининг қотилини кечиришни истайди. Адаш Карвон Сатторни «шўрпешона» деб билади. Аммо Адаш Карвон ҳам қисмати чигалликларини ўйлаб, ожиз қолган пайтларда, саволларига жавоб тополмай қолиб: «Э поко парвардигоро! Нега мени бунча шўрпешона яратдинг? Ахир мен собир эдим-ку! Ахир умр бўйи буйруғингга бўйин эгиб ўтдим-ку! Тану жонимни бору йўғимни йўлингга бағишладимку! Балою оғатларга дуч келган пайтлардимда ҳам, қоронғу йўлларда қоқилган пайтларимда ҳам номингни дилимдан қўймадим, ҳеч қачон шиква-шикоят қилмадим, бошимга неки кўргилик тушса, сенинг ироданг деб билдим, ҳамиша ўзингга шукронга айтдим. Лекин энди сендан сўрайман, муборак даргоҳингга бош уриб ёлбориб сўрайман, айт, англат менга: манглайи қора бу бандангнинг гуноҳи не эди? Нега мен ҳам одамларга ўхшаб бир рўшнолик кун кўрмадим? Нега менга фақат ситамни раво кўрдинг? Ёзум не эди, ҳаллоҳи олам?!» деб ич-ичидан эзилади<sup>128</sup>.

Адаш Карвоннинг бу саволларида ҳеч кимга ҳасад, ғазаб, нафрат йўқ. Унинг кўнглидан кечётган Худога қилаётган мурожаатлари, илтижоларида ўз ҳаётидаги мураккабликлар, қисматидаги чалкашлар сабабини билиши истагини туради. Бундай хоҳиш, истак ҳар бир кишининг кўнглида туради. Ҳаёриддин Султонов Адаш карвон характеристида ўз ҳаёт йўлини тафтини қилиб, аввал англамаган ҳақиқатларини билиб

<sup>127</sup> Султонов Х. Бобурнинг тушлари. 179-бет.

<sup>128</sup> Султонов Х. Бобурнинг тушлари. 184-бет.

олаётган одам образини кўрсатган. Қабристондаги сағаналар, унда дўппайиб турган қабрлар, улардаги турли мармартош қабртошлари Адам Карвоннинг ўз ҳаёти ҳақида аввал хаёлига келмаган жуда кўп сир-синоатлар ҳақида ўйлаши, мушоҳада юритишига сабаб бўлади.

«Кўнгил озодадур...» қиссасида эса Гулханийнинг хаёлий сиймоси, у яратган «Зарбулмасал»даги қиёмат, ривоят, масал, мақоллар Ғуломнинг ўзи яшаб турган муҳит ҳақида ўйлаши, мушоҳада юритиши учун восита вазифасини бажаради. Ғуломнинг характерини ёзувчи унинг Гулханий билан хаёлий савол-жавоб ҳамда Шодиёр, раҳбар ишхонасидаги бошлиғи-оаҳбар, диссертация иши илмий раҳбари, ижарадаги хонадоши Шодиёрга муносабати орқали очиб беради.

Хайридин Султоновнинг «Саодат соҳили», «Ёзниг ёлғиз ёдгори», «Кўнгил озодадур...» қиссаларида ҳалоллик улуғланади. Бу қиссаларнинг бош қаҳрамонлари – иймон-эътиқодли, вижданли пок кишилар. Ҳофиз Кўйкий, Адаш Карвон, Ғулом доимо ҳалол меҳнат билан кун кечиради, бирорларнинг ҳақига заррача ҳиёнат қилмайди. Улар ҳеч кимни алдамайди, бошқаларга озор етказмайди. Хайридин Султонов Ҳофиз Кўйкий, Адаш Карвон, Ғуломнинг кўнгил кечинмаларини, уларнинг ноҳақликдан изтироб чекиши,adolat топталган пайтда бепарво эмаслигини ишонарли кўрсатади. Ўқувчи ушбу қиссаларнинг бош қаҳрамонлари характерида яхши кишиларнинг феълатвори, кечинмалари мужассамлаштирилганини дарҳол пайқайди. Ёзувчи асарларига хос ушбу хусусиятлар тўғрисида адабиётшунос ИброҳимFaфуров шундай дейди: «Хайридин Султонов оддий одамларнинг юракларидаги маънавий бойликларини, инсонни инсонийлик даражасида мўътабар қилиб турадиган хислатларни очишга алоҳида диққат қиласди. Одамнинг юрагида маънавият гавҳари бор. Хайридин Султонов ўз асарларида шу гавҳарга зиё тушганлар ёки яна ҳам аниқроғи, инсон дили нур таратадиган дамларни тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди»<sup>129</sup>.

Хайридин Султонов қаҳрамонлари қалби нурланган лаҳзаларни таъсирчан лавҳаларда тасвирлайди. Қаҳрамонлари характеридаги муҳим жиҳатларни уларнинг эзгуликка интилиши, рақиблари, душманлари ҳолатини тушуниши, уларга ачиниши орқали гавдалантиради. Ҳофиз Кўйкий у билан сафарга чиққан Бинокулнинг йўлда ҳалок бўлганини эслаб эзилади. Адаш Карвон ўғлиниң қотили Сатторни шўрпешона ҳисоблайди, судда ҳам унга ҳеч қандай даъво-жанжали йўқлигини очиқ-ойдин айтади. «Кўнгил озодадур...» қиссаси қаҳрамони Ғулом ҳам майшатпараст Шодиёрни тўғри

<sup>129</sup> Султонов X. Умр эса ўтаверади: Ҳикоялар. Т.: «Ёш гвардия», 1988. 272-бет.

солишга ҳаракат қилади. «Бир қарасанг, кўнгли очик, танти йигитга ўхшайди, бир қарасанг, дардан қочган каззобнинг ўзи» дейди у ҳақда.

Хайриддин Султонов қиссалари асосий қаҳрамонлари характерида ҳалоллик асосий хислат сифатида бўртиб туради. Аммо уларнинг ҳалоллиги кимлар биландир кескин тўқнашувларда, муросасиз олишувларда эмас, балки уларнинг ички изтироблари кўринади. Ёзувчи қаҳрамонлари муаммоларга дуч келганида айни бошқалардан эмас, аввало ўзларидан излашади. Бу уларнинг қалбидаги зиддиятли кечинмалар таҳлили орқали кўрсатилади. Хайриддин Султонов асарларидағи қаҳрамонлар қалб кечинмалари таҳлили ўқувчи эътиборини жалб этади. Ёзувчи қаҳрамонлари руҳиятини кўрсатишни асосий мақсади деб билади. Хайриддин Султонов «Мени инсон руҳиятининг чексиз ғалаёнлари қизиқтиради» дейди<sup>130</sup>.

«Саодат соҳили» қиссасида ёзувчи Захириддин Муҳаммад Бобурнинг руҳиятидаги чексиз ғалаёнлари таъсирчан тасвирлайди. Бобур улкан салтанат ҳукмдори бўлишига қарамай, доим кўнгли безовта яшаганлигини ишонарли кўрсатади. Шоҳ ва шоир Бобур ҳам худди Адаш Карвон сингари ўтган умрини, у билан дуч келган, оғир жангу жадалларда ёнида турган одамларни бир-бир хаёлидан ўтказади. Ўзини улкан денгизга тушиб қолиб, соҳил томон талпинаётган ҳолатда сезади. «Менга нажот берадиган саодат соҳили қаерда» деб изтироб чекади. Хайриддин Султонов қиссаларида қаҳрамонларининг изтироб чекаётган ҳолатини кўрсатади. Адаш карвон тақдирнинг чигалликлари, қисматининг чалкашликлари ҳақида ўйлади. Ғулом эса ҳалол, виждонли кишилар қийналиб яшashi, Шодиёр сингари пулдор, майшатпарастлар ҳалол, иймон-эътиқодли кишиларни таҳқирлаши, ҳаром-харишдан, бошқаларни топташдан роҳатланадиган тўғри йўлга бошлишнинг қийинлиги ҳақида мушоҳада юритиб қийналади.

Хайриддин Султонов ҳикоя ва қиссаларида қаҳрамонларнинг қалб кечинмалари таҳлили асосий ўрин тутади. Ёзувчининг қаҳрамонлар характерини намойиш этадиган руҳий таҳлилларида Абдулла Қодирий романларига хос оҳангдошлиқ сезилади. Хайриддин Султоновнинг Абдулла Қодирий асарларининг бу жиҳатидан таъсирлангани унинг: «Руҳий таҳлил бобида Қодирий ўзига хос мактаб ва анъана яратган санъаткор эканлиги кўпдан эътироф этилгани ҳақиқат. Унинг таҳлили негизида инсонга ҳамдардлик, шавқат, жозиба туйғулари мужассам. Услубдаги бу жозибадорлик боис Қодирий тасвири ҳамиша қават-қават маъно касб этади, китобхонни турфа хил ўйларга

<sup>130</sup> «Ёшлиқ» журнали, 2005 йил 5-сон, 3-бет.

толдиради» деган сўзларида ҳам билса бўлади ( Султонов X. Бобурнинг тушлари. 263-бет).

Хайридин Султонов қиссаларида туйғулари гўзал, ўз ўтмиши, кечмиши, теварак-атрофидаги ҳодисалар ҳақида мушоҳада юритадиган таъсирчан қаҳрамонлар характери қўрсатилади.

Адабиётлар:

1. XX аср ўзбек адабиёти тарихи: Университетлар ва педагогика институтлари бакалавр ихтисосини олувчилик учун дарслик/ Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Назаров ва бошқалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 544 б.
2. Султонов X. Ҳақиқат жамоли. Адабий ва публицистик мақолалар. – Тошкент: “MASHHUR-PRESS”нашриёти, 2019. – 304 б.
3. Султонов X. Уч юз олтмиш тўрт кун. – Тошкент: “O’zbekiston”НМИУ 2019. – 440 б.
4. Султонов X. Умр эса ўтаверади: Ҳикоялар. Т.: «Ёш гвардия», 1988. 272-бет.
5. Султонов X. Соодат сохили. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 188-бет.
6. Султонов X. Навоий – 30. Жанри йўқ китоб. – Тошкент: “MASHHUR-PRESS”нашриёти, 2021. – 512 б.
7. Султонов X. Қуёш барчага баробар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 78-бет.
8. Султонов X. Бобурнинг тушлари: Қиссалар. Ҳикоялар, Эсселар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 272 б.
9. Султонов X. Бобурийнома: Маърифий роман. – Т.: «Шарқ», 1997. – 5-бет.
10. Султонов X. Бир оқшом эртаги. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 208 б
11. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2006 йил 20 январ.
12. «Ёшлиқ» журнали, 2005 йил 5-сон, 3-бет.